

Дунёдаги энг бахтли хонадон



11:06 / 23.01.2024 3066

Оиша онамиз розияллоху анҳо ниҳоятда тақволи, обида, ўта ҳаёли, покиза нафс, олиймақом аёл эдилар. У зотнинг ҳужраларига Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ва Умар розияллоху анху дафн қилинганлар.

Ҳазрати Умар розияллоху анху дафн қилинмасларидан олдин онамиз уйларига кирсалар, устларидаги баъзи либосларини ечар, бошларидан ҳижобларини олардилар ва «Бу қабрда ётганлар эрим ва отам-ку» дердилар. Қачонки Умар розияллоху дафн қилингач, уйга кирсалар ҳам қабрда ётган Умар розияллоху анҳудан ҳаё қилиб рўмолларини, ҳижобларини ечмайдиган бўлдилар.

Ушбу расмда Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳужралари кўрсатилган. Ўнг тарафдаги қабрларни айтадиган бўлсак: ўнг тарафдаги четдаги қабр икки олам сарвари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак қабрлари, унинг ёнидаги, бироз пастроқдаги Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қабрлари, унинг ёнидаги, бироз пастроқдаги Умар розияллоҳу анҳунинг қабрлари.

Ўртада қора рангли пардани кўряпсиз. Чап тарафдаги бўйра устидаги жой Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ўринлари. Мўминларнинг онаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севиклиларининг хоналари, жиҳозлари, жойларини кўряпсизми?

Онамиз шу хонада яшаб, саҳобаларга, саҳобияларга, тобеинларга, бутун умматга Исломининг оилавий мавзуга тегишли ҳукмларидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйда нималар билан машғул бўлишлари, аёлларига қандай муомала қилишлари ва бошқа кўплаб ҳукмларни баён қилганлар.

Худди шу хонада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Оиша онамиз розияллоҳу анҳо бир идишдан ғул қилишган.

Худди шу хонада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўшти аввал онамизга бериб, кейин онамизнинг тишлари, сўлаклари теккан жойига муборак оғизларини қўйиб, гўшти тановул қилганлар.

Худди шу хонада Оиша онамиз розияллоҳу анҳо кундошлари юборган таомнинг товоғини уриб синдирганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам синган товоқни бирлаштириб, ерга тўкилган таомни унга солиб, уйларида меҳмон бўлиб турган саҳобаларга «Қани, таомдан олинглар. Онангиз рашк қилди» деганлар.

Худди шу хонада Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али, Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳум ва бошқа саҳобалар меҳмон бўлишган.

Худди шу хонада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб ётганлар ва Рафиқул Аълога интиқол қилганлар.

Шу ўринда Хайруллоҳ аканинг мана бу шеърлари ёдимга келди:
Маслаҳат бобинда дилга ҳамхонам – Завжидан ҳадислар сўзлар кўзда нам
онамга ҳам она Ойиша онам Асри саодатни қаттиқ соғиндим!

Аллоҳ таоло Расули Акрамга кўплаб салавот ва саломлар юборсин! Саҳобаи
киромларнинг барчаларидан, жумладан, Ойша онамиздан рози бўлсин!

Нозимжон Ҳошимжон

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-
рақамли хулосаси асосида тайёрланди.*